

**АДАБИЁТ ТАРИХИ** — адабиётшунослик фанининг мустакил таркибий кисми бўлиб, унда бирор халкнинг адабиёти, унинг юзага келиши, тараккиёт боскичлари, хар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари тадқик этилади. Адабиёт тарихи тарих, тилшунослик, халкшунослик, тарихий география фанлари билан якин муносабатда бўлади. Адабиёт тарихи шунингдек, адабиёт назарияси ва фольклоршунослик билан хам узвий алокадордир. Чунки хар бир халк адабиёти замирида оғзаки ижод манбалари мухим омил саналади. Адабиёт тарихи айни вактда жанрлар ва услублар, ижодий методлар тарихи хамдир. Бу холат унинг адабиёт назарияси билан хам муштарак соҳа эканлигини исботлайди.